

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДНАЗАРОВ УЛУҒБЕК АХМЕДЖАНОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ФАЛСАФИЙ-
АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 796:101.1:316(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philosophical sciences**

Саидназаров Улуғбек Ахмеджанович Жисмоний маданиятнинг ижтимоий ва фалсафий-антропологик хусусиятлари.....	3
Саидназаров Улуғбек Ахмеджанович Социальные и философско-антропологические особенности физической культуры	23
Saidnazarov Ulugbek Akhmedzhanovich Social and philosophical-anthropological features of physical culture.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДНАЗАРОВ УЛУҒБЕК АХМЕДЖАНОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ФАЛСАФИЙ-
АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Fal696 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саломова Хакима Юсуповна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Джўрақулов Хусан Анварович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “28” декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (235 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “15” декабрь кuni тарқатилди.
(2022 йил “15” декабрь даги 40 рақамли реестр баённомаси.)


Наврўзова Г. Н.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор


Шарипов А. З.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент


Намозов Б.Б.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборотлашув ва фан ва технологияларнинг ривожланиши ҳамда пандемиянинг юзага келиши аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатиб спорт билан доимий шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётини қоидага айлантириш заруратини тақозо этмоқда. Ижтимоий ҳаётни модернизация қилишда жисмоний, маънавий ва интеллектуал кучлардан самарали фойдаланиш, фуқаролик бурчини бажаришга тайёр баркамол шахсни вояга етказишнинг бетакрор моделлари, уларнинг фалсафий антропологик хусусиятлари муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли жисмоний маданиятнинг универсал феномен сифатида шаклланиши, жамият, инсон ҳаётида тутган ўрни ретроспектив ва фалсафий антропологик нуқтаи назардан очиқ бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фананда, жисмоний маданиятни юксалтириш муаммолари билан шуғулланувчи илмий марказларда инсонни жисмоний чиниқтириш, саломатликни тиклаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш асосида ҳар томонлама баркамол авлодни етказишга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётини кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш ҳамда жисмоний тарбияни инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва тарбияланиши, иш қобилиятини ошишининг муҳим омили сифатида асослаш долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, жисмоний маданиятнинг генезисини, инсон организмнинг филогенетик ва физиологик ривожланиши босқичларига мувофиқ келишини, ижтимоий фаоллик билан диалектик алоқадорлигини тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт стратегиясида жамиятда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифалар сифатида белгиланиб, спортни жадал ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалаларига оид ислохотлар изчил олиб борилмоқда. “Бу борада жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш муҳим ўрин тутди. Мазкур йўналишда аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзига жалб этамиз. Жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган йирик дастурларни амалга оширамыз”¹. Бунда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оид илмий ва эмпирик изланишлар олиб бориш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни соғлом турмуш тарзи маданиятига ундаш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O'zbekiston”, 2021. - Б.217-218.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 16 июндаги ПҚ-5148-сон “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 65-сон “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”, 2020 йил 19 ноябрдаги 735-сон “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда жисмоний маданият ва инсонни саломат тарбиялашда масалалари антик даврдан бери тафаккур аҳли диққатини тортиб келади. Жисмоний маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги моҳияти, ўрни Спарта тажрибасида ўз мужассамини топгани туфайли у ханузгача маълум бир модел сифатида тилга олинади. Жисмоний маданиятнинг рационал асослари ҳақида Гиппократ ва Гален асарларида у ёки бу йўналишларда қимматли фикрлар билдирилган¹. Жисмоний маданиятнинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти ҳақида Ф. Бэкон, Р. Декарт, А. Дистерверг, Г. Фит, Ф. Фребель, Б. Бюхер асарларини эслаш, ўринлидир². Кейинчалик инсон ва фаол саъй-ҳаракатлар, шахснинг жисмоний камолотининг айрим ижтимоий ва фалсафий-антропологик масалалари Э. Деминенко, фалсафий асосларини очиб беришга қаратилган тадқиқотлар А. Крёбер, К. Клакхон томонидан амалга оширилган. Ушбу муаммони маданиятнинг бир кўриниши сифатида М. Каган

¹ Гиппократ. О природе человека. –Москва. УРСС, 2019. ст 344; Трохачев С. Гиппократ: Этика и общая медицина. –Москва: Азбука классика, 2001; Философия здоровья.-Москва: РАН, 2001.

² Қаранг: Дистерверг А. Педагогические сочинения. - Москва: Педагогика, 1957;

таҳлилларни амалга оширган. Л. Архипова, В. Кузнецов, Б. Ашмарин жисмоний маданиятнинг педагогик асосларини, Э. Тайлор, Дж. Фрезер, А. Кroeber, F. Boas антропологик жиҳатларини, М. Мид, Н. Амизюв меҳнат билан боғлиқ хусусиятларини, И.Грец ёш билан боғлиқ хусусиятларини, Н. Бернштейн, М. Тюинайтис, Э. Шюре руҳий эътиқодий жиҳатлар билан боғлиқ хусусиятларини тадқиқ этишган¹.

МДХ тадқиқотчилари диққатини асосан жисмоний маданиятнинг психофизиологик, экологик, соғломлаштириш, таълим-тарбия, узоқ умр кўриш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ жиҳатларига қаратадилар. Бу ўринда А. Солодковнинг инсон физиологиясига оид қарашларини, А. Фурмановнинг соғломлаштирувчи жисмоний маданиятга оид ғояларини Л.Матвеев, Ж.Холодовнинг спортнинг назарий ва услубий муаммоларига доир таҳлиллари муҳим аҳамият касб этади. А. Сухарев ва А. Уколовлар жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг мотивацион йўллари, Л. Спиридонова, Л. Хей соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги ўрнини тадқиқ этишган².

Ўзбекистонда жисмоний маданиятнинг айрим ижтимоий-тиббий жиҳатларини Ш. Каримов, Г. Шайхова тадқиқ этишган бўлса, фалсафий-антропологик йўналишга оид тадқиқотлар Д. Норқулов, Х.Саломова, У.Ҳосил, Қ.Назаров, Р.Рўзиева, А.Эркаев, М.Хажиева томонидан амалга оширилган. М. Абдуллаев маданият тури сифатида, А. Абдуллаев назарий-методологик жиҳатлари ҳақида, А. Нормуратов, Т. Усмонхўжаев миллий кадриятлар туркуми сифатида, Ж. Эшназаров жисмоний маданият тарихи ва

¹ Каранг: Деминенко Э. С. Философское о смысле здоровья человека в техногенном мире. Философия здоровья. Москва: Институт философии. РАН, 2001. С 175-196; Noland Mes. Danner F, The Neasurement of Physical activity in Yound Children/ Research guarlety for Exercise and sport, 1990/vol.61; Lindemann M. Medicicene and Society in Early M adern Europe.-Cambrige, UP, 1999.; Крёбер А., Клакхон К. Культура: образ концепций и определений - Москва: Мысль, 1964; Каган М.С. Философия культуры. Становление и развитие.- Санкт Петербург, Лань, 1997; Кузнецов В.С. Методика обучения основным видам движений на уроках физической культуры в школе. - Москва: Владос, 2002; Ашмарин Б.А. Педагогика физической культуры. Учебное пособие.-СПб, ЛГОУ, 1999; Архипова Л.А. Методика преподавания физической культуры в начальной школе. Учебное пособие. -Тюмень, ТГУ, 2013. С. 14-15.; Boas F. General anthropology. - Boston; New York; London, 1938; Kroeber A.L. Anthropology. New ed. -New York, 1948; Фрезер Дж. Золотая ветвь. - Москва: Политиздат, 1982; Тайлор Э. Первобытная культура. - Москва: Изд. полит. литературы, 1989; Философская антропология.- Санкт Петербург, “Лань”, 1996; Мид М. Культура и детство. Москва. Гл.ред.вост.лит-ры. 1989. с.108-134; Амизюв Н.Х. Труд и здоровье руководителей. Москва. Изд.дом “GEOLARMED” 2002; Грец И.А. Теоретические основы физического воспитания дошкольного, школьного возраста и студенческой молодёжи. Учебно-методическое пособие. - Смоленск: СГИФК, 2003; Бернштейн Н.А. Очерки по физиологии движений и физиологии активности. - Москва: Медицина, 1996; Шюре Э. Великие посвященные. Очерк эзотеризма религий. - Москва: СП Книга Принтшоп, 1990. С. 220-225 Тюинайтис М.Н. Физическое воспитание учащихся младших классов на основе дифференцированного подхода. Автореферат дисс...канд. пед. наук. - Волгоград, ВГУ, 2010;

² Солодков А.С. Физиология человека. Общая. Спортивная. Возрастная. Учебник. - Москва: Олимпия пресс, 2005; Фурманов А.Г. Оздоровительная физическая культура. Учебник. -Минск: Тесей, 2003; Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. Учебник. - СПб., Лань, 2014; Холодов Ж.К. Теория и методика спорта. Учебное пособие. - Москва: “Олимпийский резерв”, 1997; Сухарев А.Г. Здоровье и физическое воспитание детей и подростков. - Москва: Медицина, 1991; Уколов А.В. Интегративная методика формирования мотивации занятия спортом учащихся младших классов в процессе физического воспитания в школе. Автореферат дисс...канд. пед. наук, - Тула: ФГБОУ ВПО “Сибирский государственный технологический университет”, 2013; Хей Л. Путь к здоровой жизни. - Москва: Изд.“Олма Пресс”, 1998. С. 24-32; Спиридонова Л.Б. Возрастные основы физкультурного образования детей и учащейся молодёжи. - Омск: СГАФК, 2003.

бошқарувга оид тадқиқотларни амалга оширганлар. В. Аминов ва Ю. Юнусова, Ў. Салимов соғлом турмуш тарзи, инсон омили билан диалектик алоқадорликда таҳлилларни амалга оширганлар¹.

Юқорида қайд этилган олимлар, тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари, назарий хулосалари ва амалий таклифларидан мазкур тадқиқотда фойдаланган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ушбу тадқиқотлар жисмоний маданиятни баркамол, соғлом, ижтимоий фаол, креатив шахсларни тарбиялаш концепцияси нуктаи назаридан яхлит тадқиқот ҳисобланмайди. Шунинг учун ушбу диссертацияда жисмоний маданиятни фалсафий-антропологик ёндашув асосида тадқиқ этишга, уни инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини асослашга алоҳида аҳамият берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2.4-банди “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2020-2025 йй) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний маданиятнинг ижтимоий ва фалсафий антропологик хусусиятларини очиб бериш ва жисмонан баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

жисмоний маданиятнинг генезиси, алоҳида феномен сифатида шаклланиш хусусиятлари, жамият ва инсон тараққиётига таъсирини ретроспектив манбалар асосида тадқиқ этиш;

жисмоний маданиятнинг инсон организми филогенетик ва физиологик ривожланиши босқичларига мувофиқ келиши, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, тетиклик, чаққонлик, ижтимоий фаоллик билан боғлиқлигини фалсафий антропологик нуктаи назардан очиб бериш;

жисмоний маданиятнинг узлуксизлик тамойили ва унинг филогенетик ва физиологик, тиббий ва этнотиббий, ижтимоий тарбиявий асосларини аниқлаш;

¹ Соғлом овқатланиш саломатлик мезони. Академик Ш.И.Каримов умумий таҳрири остида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2015; Здоровье и физическое развитие детей и подростков. Учебно-методическое пособие. Сост. д.м. н. профессор Шайхова Г.И, ст. пр. Бахтиярова В.А., к.м.н. Азизова Ф.Л. - Тошкент:ТМА, 2010. С.13- 14; Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. - Фарғона, ФДУ, 1997; Абдуллаев А. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. - Тошкент: Ilmiy texnika axboroty press nashriyoti, 2018. 93 б. Нормурадов А.Н. Жисмоний тарбия. - Тошкент:“Тафаккур бўстони”, 2011; Усмонхўжаев Т. 1001 миллий ўйин.- Тошкент: Фан, 2005 Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. - Тошкент: Фан ва технологиялар, 2008; Аминов В. Соғлом турмуш тарзи-инсон омилини кучайтириш гарови. - Тошкент: Медицина, 1999; Юнусова Ю.М. Теоретические основы физической культуры и спорта. - Тошкент:УзГосИФК, 2005. С.18 Салимов Ў. Жисмоний маданият назарияси ва тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент: ЎзДЖТИ, 1997; Ҳосил У. Одатнома. Икки жилдлик.- Т.:Ўзбекистон, 2016.; Назаров Қ. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари. -Т.:1994; Рўзиева Р.Х. Урф-одат ва анъаналар – миллий қадриятларни шакллантирадиган мезон сифатида // Scientific progress, 2021, №4; Эрқаев А. Маънавиятшунослик. Икки жилдлик.- Т.: Маънавият, 2018.; Хажиева И.А. Инсон ва инсонпарварлик мутафаккирларимиз талқинида.// Образование и воспитание, 2018, №3.1; Саломова Ҳ. Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти – Бухоро: “Дурдона”, 2018. – 156 б.;

Янги Ўзбекистонда жисмоний маданиятни ривожлантириш концепциясининг ижтимоий ва фалсафий антропологик моҳиятини, креатив шахс ва аҳоли саломатлигига таъсирини тавсифлаш;

инсон ва жамият жисмоний маданиятини юксалтиришни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш масалаларига оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жисмоний маданиятнинг функционал белгилари, жамият ва шахс ҳаётига таъсири, замонавий жисмоний тарбия методларини, уларни инновацион усуллар билан бойитиш имкониятлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети жисмоний маданиятнинг ижтимоий ва фалсафий-антропологик хусусиятлари ҳамда моҳиятини очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, тарихийлик ва мантикийлик, ретроспектив таҳлил, фанлараро дискурс, қиёсий таҳлил, кузатув, контент анализ каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

жисмоний маданиятнинг цивилизациявий воқелик сифатидаги генезиси, алоҳида универсал феномен сифатида шаклланилиги, жамият ва инсон ҳаётида миллий қадриятларни тиклаш, қизиқиш, қобилият ва ўзига хос хусусиятларини намоён қилиш, соғлом турмуш тарзини жорий этиши ҳамда аҳоли саломатлигини тиклашда функционал ўринга эгаллиги очиб берилган;

жисмоний маданиятнинг инсон организми филогенетик ва физиологик ривожланиши босқичларига мувофиқ келиши, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, тетиклик, чаққонлик ва ижтимоий фаоллик билан креатив фаоллик, ни умумижтимоий талабларга мувофиқ келиши, рационал асосга эга эканлиги, тарбиявий, маърифий, коммуникатив вазифаларни бажарувчи фаолият эканлигига кўра ўзаро диалектик алоқадорлиги фалсафий-антропологик асосланган;

жисмоний маданиятнинг шахс организмнинг ривожланиш босқичлари, жисмоний машқларни рационал ташкил этиш, унинг таъсирини антропометрик ўлчаш каби узлуксизлик тамойиллари аниқланиб, унинг инсон такомилли, саломатлик феномени каби тиббий ва этнотиббий, инсон организмнинг жисмоний хатти-ҳаракатларга, ташқи кучлар таъсирига ва жисмоний юкка муносабатлари каби филогенетик ва физиологик, теологик, валеологик, психологик ва маърифатни юксалтириш каби ижтимоий-тарбиявий асослари очиб берилган;

Янги Ўзбекистонда жисмоний маданиятни юксалтириш концепциясига мувофиқ миллий, халқчил спорт тизимини яратиш тажрибалари очиб берилиб, инсон ва жамият жисмоний маданиятини юксалтиришни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

жисмоний маданият жамият ва шахснинг ижтимоий фаол субъектлар сифатида шаклланишига таъсир этиши, уларни ҳар қандай психофизиологик

таъсирларга чидамли қилиши ҳамда жамият ривожланишини, инсонни ўз ҳаётидан, мавжудлигидан мамнун яшашини таъминлаши асослаб берилган;

жисмоний маданият жамият тараққиёти учун муҳимлиги, ҳаёт динамизмига ижтимоий-фалсафий моҳият, рационаллик бахш этиши ва шу тариқа социумда барқарор ривожланиш, соғлом фикрлашни қарор топиши аниқланган;

жисмоний маданиятнинг ижтимоий-фалсафий, антропологик хусусиятлари ўқув қўлланмалар, оммавий ахборот воситаларининг медиаконтентларини тайёрлашда, оммавий спорт тарҳиботида қаратилган тадбир ва мусобоқаларни ташкил қилишдан назарий-методологик асоси вазифасини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жисмоний маданият ва спортнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдаги ўрнини очиб беришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида, аҳолини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш, жисмонан бақувват, баркамол ва соғлом бўлишига, уларнинг кундалик турмуш тарзига айлантиришга, ёшларда ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч каби фазилатларни мустаҳкамлаш, уларда жасорат, ватанпарварлик ва садоқат хислатларини ривожлантиришда назарий методологик асос сифатида, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод томонидан соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний комилликка эришиш, давлат органлари ва ташкилотларининг аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги масъулияти ва ролини янада ошириш ҳамда фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда баён қилинган таклифлардан соғлом турмушни жамиятда тарғиб қилувчи оила, маҳалла, таълим муассасалари, аҳоли ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда, ўқув қўлланмалар ва тарқатма материаллар тайёрлашда, уюшмаган ёшлар билан ишловчи фуқаролик жамияти институтлар фаолиятида, шунингдек аҳолига жисмоний маданият бўйича хизматлар кўрсатувчи муассасалар, стадионлар, бассейн ва соғломлаштириш комплекслари кундалик фаолиятида тиббий маърифий муассасаларда олиб бориладиган соғломлаштириш тадбирларида, физиологик машқлар ўтказишда ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотлар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жисмоний маданиятнинг ижтимоий ва фалсафий антропологик хусусиятларини, шунингдек, баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамиятини илмий-фалсафий тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

жисмоний маданиятнинг цивилизациявий воқелик сифатидаги генезиси, алоҳида универсал феномен сифатида шаклланганлиги, жамият ва инсон ҳаётида миллий қадриятларни тиклаш, қизиқиш, қобилият ва ўзига хос хусусиятларини намоён қилиш, соғлом турмуш тарзини жорий этиши ҳамда аҳоли саломатлигини тиклашда функционал ўринга эгаллигига оид илмий янгилик ва таклифлардан “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси” ва Урганч давлат университети ҳамкорлигида бажарилган 03-/001-сон “Соғлом оила соғлом жамият” (2021 й) грант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Урганч давлат университетининг 2022 йил 20 июндаги 04-135/11-сон маълумотномаси). Натижада, жисмоний маданият, жамият ва шахснинг ижтимоий фаол субъектлар сифатида шаклланишига, ижтимоий барқарорликни таъминлашга мутасадди фуқаролик институтлари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг жисмоний маданиятини юксалишига эришишга хизмат қилган;

жисмоний маданиятнинг инсон организми филогенетик ва физиологик ривожланиши босқичларига мувофиқ келиши, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, тетиклик, чаққонлик ва ижтимоий фаоллик билан креатив фаоллик, ни умумижтимоий талабларга мувофиқ келиши, рационал асосга эга эканлиги, тарбиявий, маърифий, коммуникатив вазифаларни бажарувчи фаолият эканлигига кўра ўзаро диалектик алоқадорлигига доир назарий умумлашмалар ва хулосалардан “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ўқитиш услуги” ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сон буйруғи ва 538-018-сон нашр гувоҳномаси). Натижада, талаба-ёшларни мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ташкил этилган жисмоний маданият ва фаолият йўналишлари тўғрисидаги билимларини бойитишга, ўқув вўлланманинг мазмунан янгиланиши ва такомиллашувига хизмат қилган;

жисмоний маданиятнинг шахс организмнинг ривожланиш босқичлари, жисмоний машқларни рационал ташкил этиш, унинг таъсирини антропометрик ўлчаш каби узлуксизлик тамойиллари аниқланиб, унинг инсон такомилли, саломатлик феномени каби тиббий ва этнотиббий, инсон организмнинг жисмоний хатти-ҳаракатларга, ташқи кучлар таъсирига ва жисмоний юкка муносабатлари каби филогенетик ва физиологик, теологик, валеологик, психологик ва маърифатни юксалтириш каби ижтимоий-тарбиявий асосларига доир илмий янгилик ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2022 йилга мўлжалланган иш режаси 4.54. “Хонадон гигиенасини беш юлдузли мезон асосида баҳолаш” платформасини ҳамда ўз гигиенасини баҳолашига қараб ҳудудий харитани яратишда, 4.60. Кексалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг спорт билан доимий

шуғулланишини ташкил қилиш мақсадида оммавий пиёда юриш тадбирларини ташкил қилишда, 4.69. Спорт соҳасида республика ва халқаро майдонларда ғолибликни қўлга киритган фахрий чемпионлар, спортчи-полвонларнинг ёшлар билан маҳаллаларда “Унутилмаc чемпионлар”, “Фахрий полвонлар” мавзуидаги учрашувлар ҳамда мусобақаларни ташкил этиш бандларини ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2022 йил 10 июндаги 04-02/145-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз ва ҳудудларнинг ижтимоий, маънавий-маданий ривожланиш билан боғлиқ давлат, соҳага оид ва ҳудудий дастурларини, давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ишларини янада такомиллаштиришга ҳамда ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилган;

Янги Ўзбекистонда жисмоний маданиятни юксалтириш концепциясига мувофиқ миллий, халқчил спорт тизимини яратиш тажрибалари очиб берилиб, инсон ва жамият жисмоний маданиятини юксалтиришни моделлаштириш ва лойиҳалаштиришга доир илмий тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти фаолиятида, 2021-2022 йилларда эфирга узатилган “Миллат ва маънавият”, “Ўзбекистон ёшлари”, “Таълим ва тараққиёт” дастурларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 йил 2 июндаги 04-36-792-сон маълумотномаси). Натижада, фуқароларнинг соғлом турмуш тарзи ва маданияти, жисмонан ҳаёт тарзини ривожланиши, мамлакатимизнинг маънавий-маданий ҳаётни модернизация қилиш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ишларини янада такомиллаштиришга ҳамда ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (хусусан, 2 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, тўққиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот

ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Жисмоний маданият илмий ва ижтимоий-фалсафий тадқиқотлар объекти сифатида”** деб номланади. Ушбу бобда, жисмоний маданиятнинг алоҳида феномен сифатида шаклланиш генезисига назар ташланади, унинг илмий ва ижтимоий-фалсафий талқинлари ўрганилади. Жисмоний маданият умумжамиятга тааллуқли маданиятнинг таркибий қисми, у билан бирга трансформацияга учраб, ижтимоий борлиқ талабларини, инсоннинг гўзаллик, саломатлик, ўзини асраш, касалликдан эҳтиёт бўлиш каби субъектив воқеликлар билан уйғун келиши очиб берилган.

Жисмоний маданиятга таъриф беришдан аввал унинг функционал жиҳатларини ҳам очиб бериш керак, акс ҳолда таъриф тўлиқ ва объектив бўлмайди. Мутахассислар жисмоний маданият функцияларини икки гуруҳга классификация қилиб тадқиқ этишни тавсия этишади¹.

1. Ўзига хос функциялар (жисмоний тарбия; соғломлаштирувчи рекреатив функция; мусобақа беллашув функцияси);

2. Умуммаданий функциялар (маънавий тарбия; иқтисодиёт; томоша дам олиш; маърифий; коммуникатив; ахборот алмашув; норматив).

Ўзига хос функциялар жисмоний маданиятни шакллантириш жараёнидаги юки ва вазифалари умуммаданий функциялардан маълум даражада фарқ қилади. Баъзи муаллифлар жисмоний тарбияни урғу беришса, баъзилари соғломлаштириш функциясини бўрттириб кўрсатишга интилади. Бундай ёндашув кўпроқ тиббиётшунослар, физиологлар ва халқ таъбири тарафдорлари ичида кўпроқ кузатилади². Мусобақа функциясини эса спортни профессионаллашуви тарафдорлари, тарбияланувчиларни турли мусобақаларга, курашга, ким ўзига тайёрловчи мутахассислар қўллаб-қувватлашади³. Жисмоний маданиятнинг ўзига хос функциялари ундаги ички хусусиятларни ва имкониятларни ифода этади. Уларга қараб жисмоний маданият бошқа фаолият турларидан фарқланади ва қандай қилганда жисмоний хатти-ҳаракатларни рационаллаштириш мумкинлигини режалаштирилади.

Умуммаданий функциялар ўзига хос қирралари ва жиҳатлари оммавий спорт ва жисмоний тарбияга оид машқларни қўллаб-қувватловчи мутахассислар асарларида кенг ёритилган. Умуммаданий функциялар жисмоний маданиятнинг жамият ҳаёти, инсон фаолиятининг асосий йўналишлари билан кенг боғлиқлигини тасдиқлайди. Демак, жисмоний маданият инсон организмни бақувват ва чаққон, чемпион бўлишга

¹ Қаранг: Архипова Л.А. Методика преподавания физической культуры в начальной школе. Учебное пособие. -Тюмень, ТГУ, 2013. С. 13-14.

² Қаранг: Ашмарин Б.А. Педагогика физической культуры. Учебное пособие.-СПб, ЛГОУ, 1999; Ханкельдиев Ш., Абдуллаев А. ва бошқалар. Соғлом турмуш тарзининг жисмоний маданияти. Ўқув қўлланма. -Фарғона: Фарғона, 2010.

³ Қаранг: Холодов Ж.К. Теория и методика физического воспитания и спорта. - Москва: Академия, 2003;

тайёрлаш билан чегараланиб қолмайди, у кишининг ижтимоий-маънавий оламига таъсир этиб, уни фаол яшашга тайёрлайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар жисмоний маданиятнинг умумий тарбия жараёнларига, кишининг фаолиятига, меҳнатига, дам олиш ва ҳордиқ чиқаришига, саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришига, ташқи психологик таъсирларга чидамли бўлишига, адаптация имкониятларига таъсир қилишини қайд этадилар. Шундай кенг ижтимоий-фалсафий ёндашув жисмоний маданиятнинг халқ, жамият ҳаётидаги ўрнини тўлароқ англашга, унинг имкониятларидан соғлом авлодни тарбиялашда самарали фойдаланиш йўллари излашга ёрдам беради. Чунки жисмоний тарбия жисмоний маданиятнинг фундаменти ҳисобланади. Мутахассислар буни “базавий хусусиятга эга компонент”, деб аташади. Унинг хусусияти шундаки, у биринчидан, инсонда ижтимоий вазифаларини, асосий фаолиятини бажариш учун зарур хатти-ҳаракатларни, кўникма ва қобилиятларни шакллантиради, иккинчидан эса, у ёки бу спорт турига профессионаллашувга ёрдам беради. Кенг ижтимоий хатти-ҳаракатлар тизимида қараганда жисмоний маданият инсонни жамият ҳаётига тайёрлайди. Жисмоний тарбия жараёнида ўзлаштириладиган фаолият турлари, норматив хатти-ҳаракатлар инсон билан жамият ўртасидаги муносабатларни рационаллаштиради, кишида адаптив хусусиятларни кучайтиради, натижада табиий биологик омилларнинг умуммаданий талаблар билан уйғунлашуви рўй беради.

Диссертант фикрича, инсоннинг жамият ва умуммаданий талабларга адаптацияси ўзидан ўзи рўй бермайди, улар маълум бир машқлар ва кўникмаларни талаб этади. Агар улар аввалига табиий биологик эҳтиёжлар таъсирида юзага келса, вақт ўтиши билан уларнинг филогенезда социал ва умуммаданий нормалар билан уйғунлашиши рўй беради. Киши филогентик ривожланишини, шаклланишини ана шу уйғунлик маҳсули, дейишимиз мумкин. Бу машқлар ва хатти-ҳаракатлар аввал оилада, кейин боғча ва мактабда анланган фаолиятга айланади. Оилада олиб бориладиган фаолият, муносабатлар, урф-одатлар ва миллий-маданий характерга эга тартиблар кишидаги илк жисмоний маданиятни шакллантиради. Оиланинг умумтарбиявий функцияси миллий-маданий талабларга мувофиқ келадиган хатти-ҳаракатларни, жисмоний машқларни, вазифаларни бажариш билан узвийдир. Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, оила жисмоний тарбия, айниқса унинг илмий, рационал кўринишлари билан шуғулланвермайди, аксарият ота-оналар жисмоний тарбиянинг энг муҳим талабларини, қоидаларни ҳам билишмайди. Демак, оиладаги умумтарбия жараёнлари жисмоний маданият шакллари билан тўлдирилиши, бойитилиши керак. Жисмоний маданиятнинг базавий хусусияти оиладаги тарбия билан боғлиқдир. Айнан оила кишидаги жамият ва ижтимоий муносабатлар учун зарур бўлган норматив хатти-ҳаракатларни, илк фаолият турларини, жисмоний маданият ҳақида тасаввурларни шакллантиради ва шу тарзда кишини ижтимоий субъект қилиб ҳаётга тайёрлайди. Ота-оналардаги саломатлик ва жисмоний тарбия ҳақидаги махсус билим ва кўникмаларнинг етарли эмаслиги фарзандларда

жисмоний камолот ҳақида чала, гоҳо эса ғайриантропологик тасаввурларни шакллантиради.

Диссертант жисмоний маданият марказида турган инсон, унинг жисмоний камолоти масаласи оиладаги умумтарбиявий жараённинг ҳам марказида турганидагина жисмонан баркамол авлодни тарбиялаш реал воқеликка айланишини таъкидлаган. Бунгача тузган режалар, орзулар ҳаёлот маҳсуллари бўлиб қолаверади. Бобда жисмоний маданиятнинг рационал ташкил этилган махсус машқларига ҳам ўрғу берилади. Бу эса инсон олдига:

1) ўзининг жисмоний имкониятларини аниқ билиш ва шу асосда хатти-ҳаракатлар, машқлар динамикасини бошқариш;

2) ўзини, организмни махсус машқларга тайёрлаш, чиниқтириш ва уларни бажариш вазифасини кўяди.

Диссертацияда, махсус машқлар жисмоний маданиятнинг асосини ташкил этиши борасида ҳам фикр юритилган бўлиб, бу ҳатто дам олиш ва психологик чарчоқни тарқатиш, фаолият турини алмаштириш учун ўтказиладиган машқларда ҳам махсус машқлар билан боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Тўғри, бу машқлар доим ҳам жисмоний етукликка ёки рекордларга олиб боравермаслиги мумкин. Бироқ улар, махсус машқлар сифатида, кишида маълум бир махсус сифатларни (билақлар ва кўкрак қафасларни кенгайтиради, оёқларини чаққон, тез чопадиган қилади, турникда осилишда ва айланишда моҳир қилади) шакллантиради. Демак, махсус машқлар инсон атропометриясида жисмоний етуклик белгиларини шакллантириши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам жисмоний маданият билан мунтазам шуғулланган киши билан бундай машқлардан узоқ киши тез фарқланади, улар ўртасида жисмоний етуклик, гўзал қомат, бақувват мушак, чаққонлик каби сифатларда антропологияга оид белгилар дарров кўзга ташланади.

Бу белгилар жисмоний маданиятнинг инсон организмга қуйидагича таъсир этишида намоён бўлади:

юрак қон томир функцияси фаоллашади;

нафас олиш яхшиланади;

суяқлар мустаҳкамланиб, мускуллар кучли бўлади, бўғинларнинг ҳаракатчанлиги ортади;

овқатнинг яхши ҳазм бўлиши таъминланади;

айириш органларининг фаолияти яхшиланади;

асаб тизими мустаҳкамланади.

Шунинг учун ҳам жисмоний маданият, алоҳида феномен сифатида, инсоннинг бутун ҳаётида, филогенетик ва психофизиологик шаклланишида, ундаги жисмоний қувват ва фаолликнинг керакли меъёрда, даражада намоён бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Агар жамиятга соғлом инсон ва авлод керак бўлса, ижтимоий ҳаётни ва борлиқни рационал ташкил этишга қодир онгли инсон керак бўлса, у аввало субъектларининг жисмоний маданиятини шакллантириш ҳақида қайғуради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жисмоний маданиятни шакллантиришнинг узлуксизлик тамойили ва унинг филогенетик,**

физиологик, тиббий ҳамда ижтимоий-тарбиявий асослари” деб номланиб мазкур бобда жисмоний маданиятни шакллантиришнинг узлуксизлик тамойили, унинг ижтимоий, тарбиявий ва тиббий, этнотиббий асослари тадқиқ этилади.

Узлуксизлик тамойили инсон ҳаётининг бардавомлиги, организмнинг филогенетик ва физиологик ривожланиши босқичлари талаблари, тириклик эҳтиёжи маҳсули сифатида келади. Инсон ҳаётининг фундаментал қонуни ҳаракат, фаолият билан боғлиқ. Демак, инсон тирик экан жисмоний хатти-ҳаракатларга эҳтиёж сезади. Бироқ жисмоний маданият шунчаки хатти-ҳаракатлар, ҳатто ижтимоий фаолият эмас, у саломатликни мустаҳкамлашга, организмни нормал физиологик ҳолатда сақлашга қаратилган махсус, рационал ташкил этиладиган хатти-ҳаракатлар тизимидир. Ушбу хатти-ҳаракатлар филогенетик ва физиологик, тиббий ва этнотиббий, ижтимоий-тарбиявий асосларига эга, жисмоний маданиятнинг фалсафий антропологик моҳияти ана шу асосларни ўрганишни тақозо этади.

Бобда шахсда жисмоний маданиятни шакллантириш ва унинг саломатлигини мустаҳкамлашда тиббиёт комплекси (клиникалар, даволаш марказлари, фармацевтика, тез ёрдам, диагностик марказлар ва бошқалар) муҳим рол ўйнаши борасида ҳам сўз кетади. Замонавий илм-фан, тиббиёт инсоннинг жисмоний камолоти ва саломатлиги борасида катта тажриба тўплаган, илғор инновацион усулларни клиникаларга жорий этмоқда. Шахснинг жисмоний маданияти ва саломатлиги ҳам ушбу тажрибаларга таянади, уларнинг тавсияларига амал қилади. Рационал ташкил этиладиган жисмоний маданият илмий тиббиётнинг ва этнотиббий тажрибаларнинг натижаларига таянганида организмнинг филогенетик ва физиологик ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқишни унутмайди.

Диссертацияда замонавий тиббиёт саломатликни тиклаш ва асрашнинг ранг-баранг методларига эга эканлиги ва у бугун энг қийин нарса юракни сунъий юрак билан алмаштириш, трансплантация орқали инсонни ҳаётга, ҳаракатга қайтариш имконига эга эканлиги борасида ҳам фикр баён этилади. Инсоннинг энг нозик то ХХІ асргача тиббиёт аралашшишга ботинмаган орган - миясини лазер операциялари орқали даволаши мумкин. Ҳа, мияни бутунлигича алмаштириш ёки трансплантация қилиш ҳали амалга оширилмади, аммо тиббиёт бу борада илмий экспериментлар олиб бормоқда. Агар бу илмий-тиббий изланишлар бирор ижобий натижалар берса, келгусида инсоннинг хаста миясини ҳам буткул соғ ҳолатга келтириш имкони яратилади. Бугун тиббиёт ЭКУ орқали инсон туғдириш имконига эга экан, у, шубҳасиз, келгусида инсон умрини мисли кўрилмаган даражада узайтиш технологиясини яратади. Узоқ умр кўриш эса узоқ йиллар жисмоний машқлар билан шуғулланиш, кишининг жисмоний маданияти маҳсули бўлади. Ж. Локк айтганидек, “гимнастика инсон ёшлигини узайтиради”¹. “Саломатлик ва гўзаллик мувозанати учун, - деб ёзган эди

¹ Қаранг: Мудрость здоровой образ жизни. Афоризмы, пословицы, поговорки. - Москва: Медицина, 1986. - С. 56.

Платон, - фақат фан ва санъат соҳасидаги таълим эмас, бутун умр жисмоний машқлар, гимнастика ҳам талаб этилади”¹. Замонавий тиббий қарашлар инсон саломатлигини таъминлаш учун бир қатор методларни ишлаб чиққан. Уларга асосан зарарли одатлардан, яъни тамаки чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, наркотик моддалар қабул қилишдан сақланиш, ҳатто улардан мутлақ воз кечиш; рационал, яъни организмда ортиқча вазн юзага келтирмайдиган тарзда овқатланиш; ҳар куни жисмоний хатти-ҳаракатлар ва меҳнат билан шуғулланиш, бунинг учун жисмоний тарбияга оид тартибни шакллантириш; организмни очик ҳаво, сувда чўмилиш, жисмоний юклар орқали чиниқтириш; психоэмоционал мувозанат яратиш орқали стрессдан сақланиш кабилар киради².

Диссертациянинг учинчи боби **“Янги Ўзбекистонда жисмоний маданиятни юксалтириш концепцияси, миллий тажрибалар, моделлаштириш ва лойихалаштириш масалалари”** деб номланади. Мазкур бобда, Янги Ўзбекистонда жисмоний маданиятни юксалтириш концепциясининг фалсафий антропологик моҳияти ва ижтимоий-тарбиявий аҳамияти тадқиқ этилган. Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг баркамол авлодни табиялаш концепциясини ишлаб чиқди, унга кўра, баркамоллик ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуклик ифодасидир.

Диссертантнинг таъкидлашича, баркамол авлод жисмоний маданиятли инсон, унинг жисмоний етуклиги аввало ўзининг инсоний ва ижтимоий вазифаларини бажаришида, фаол хатти-ҳаракатларида, соғлом турмуш тарзи ва саломатлигидадир деб таъкидлайди. Бироқ оммавий жисмоний маданият ихтиёрий машқлар тизимидан иборат бўлгани учун уни ҳар доим ҳам рационал ташкил этиш имкони мавжуд эмас. Бу ўринда жамиятнинг жисмоний маданиятни юксалтириш концепцияси, қабул қилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва ижтимоий-тарбиявий, маърифий-тарғибий тадбирлар муҳим рол ўйнайди. Спорт соҳаси ҳам соғлом рақобатга қурилган, куч ва чакқонликни синаш, ким ўзди ва мусобақаларда қатнашиш, шахсда жисмоний маданиятнинг нозик, ички ва ҳаммага ҳам аён бўлмаган жиҳатларини билишга, англашга ёрдам беради. Оммавий спортда ҳам рақобат бор. Ҳар қандай мусобақа рақобатдир. Соғлом рақобат кимнидир эзиш, топташ, майиб қилиб, ўзининг жисмоний устунлигини намоён қилиш эмас (минг афсуски, чет эллардаги баъзи спорт турларида шу мақсад назарда тутилади), балки жисмоний тарбиядаги камчиликларни аниқлаш, спорт маҳоратини ошириш, саломатликни мустаҳкамлашда бир бирининг тажрибаларини ўрганишдир. Профессионал маҳорат ҳам куч кўрсатиб рақибни топташга эмас, балки гуманистик қадриятларга қурилиши даркор. Бу вазифа аввало тренерларга, кейин эса ҳакамларга юклатилгандир.

Бобда оммавий, халқчил спортни ривожлантиришнинг самарали механизмларидан бири субъект (тренер, педагог, жисмоний тарбия ўқитувчиси, тарбиячи)нинг фаолиятини муносиб тақдирлаш ва баҳолаш

¹ Қаранг: Мудрость здоровой образ жизни. Афоризмы, пословицы, поговорки. - Москва: Медицина, 1986. - С.57.

² Қаранг: Амосов М.А. Раздумье о здоровье. - Москва: Знание, 1982. - С. 38-41.

